7 МАР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 57 (20. 624) • 1990 йил 8 март, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА

1990 йил 22 апрелда В. И. Ленин туғилган кунга 120 йил тўлади. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети Мафкура комиссиясининг шу санага бағишланган таклифларини маъқуллади.

Лениннинг ҳаёти ва фаолияти ҳозир ҳам буюк мақсадга хизмат қилишнинг, мураккаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга новаторларча ёндашишнинг намунаси бўлиб келмоқда. Ҳар қандай халқ барча замонларда бундай улуғ зотларни муносиб эътироф этган ва ҳурмат қилиб келган. Лениннинг номи аввало мамлакат ва дунё тақдирига ҳал қилувчи таъсир ўтказган воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революцияси билан боғланган.

Ленин ижтимоий пайғамбар ҳам, хаёлпараст ҳам бўлмаган. Унинг кучи ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини пайқаб ола билишда ҳамда шу эҳтиёжларни партия стратегияси ва тактикасида ифодалаб бера олишда бўлган. Изчил диалектик марксчи бўлмиш Ленинга ақидапарастларнинг қолоқ хурофотлари ҳам, сохта инқилобчиларнинг бақириқчақириқли иборалари ҳам мутлақо ёт эди. Фанда чинакам янгилик яратувчи ва сиёсатда олим бўлмиш Ленин социалистик қоидалардан чекинмай, мураккаб ва зиддиятли воқеликда шу қоидаларни рўёбга чиқаришга ёндашувларни қандай қилиб топиш мумкин ва лозимлигини амалда намойиш этди.

В. И. Ленин «ҳарбий коммунизм» даврининг бевосита маҳсулот айирбошлашга ўтиш йўли билан социализмни тўғридан-тўғри қарор топтиришга дастлабки уринишлари хато эканини мардона тан ола билди. Ленин «большевикларнинг тажрибаси» инқирозга учради деган турли-туман кароматларга қарамай, ўта инқилобий шиорларни, сиртдан самарали бўлиб кўринса ҳам, аммо дангалчиликдан иборат бўлган жўн қарорларни рад этиб, социализм тўғрисидаги янги тасаввурларни ижодий излади, пролетар давлати амалий сиёсатининг принципиал қоидаларини ишлаб чиқди.

Дастлабки ижтимоий ўзгартишлар тажрибасига таяниб, Ленин янги ижтимоий тузумни иқтисодий шароитларсиз мажбур этиш асосига, ижтимоий ва миллий манфаатларнинг хилма-хиллигини инкор этиш, тақиқлар ва казарма тарзидаги тенгчилик йўли билан қуриб бўлмайди, деган хулосани чиқарди. У моддий манфаатдорлик ҳамда шу манфаатдорлик билан боғлиқ бўлган товар ишлаб чиқариши ва муомала иқтисодий омиллари, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи қучларини ривожлантириш учун турли ижтимоий-иқтисодий укладларнинг имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини тушуниб олди. Шунга асосланиб, социализмнинг моддий пойдеворини барпо этишга қаратилган янги иқтисодий сиёсат эълон қилинди. Айни шу сиёсат гўё революция чиқа олмайдигандек туюлган жуда ўткир муаммолар ва зиддиятларнинг биқиқ доирасидан ёриб чиқишни таъминлади.

В. И. Ленин социализм «маърифатпарвар кооператорлар тузуми» деган қондани таърифлаб берди, маданий революция ғоясини майда ишлаб чиқарувчиларни кооперациялаш билан ва турмушнинг барча шароитларини ўзгартириш билан чамбарчас боғлади. Ленинча миллий сиёсат, совет федерацияси ғоялари тўғрилигини замон яққол кўрсатди. Ленин Совет ҳокимиятининг моҳиятини тўғраларча бузиш хавфи борлигини кўрсатиш билан бирга, ижтимоий-сиёсий турмушда халқ ҳокимияти, граждан масъулияти, интизом ва қатъий қонунийлик қоидаларини қарор топтиришга ҳаракат қилди. У инсониятнинг тарихий тажрибасидаги жами илғор тажрибадан фойдаланмай туриб, социализм қуриб бўлмайди, деган фикрни айтди.

Ленин турмуш вазиятларининг чигал жумбоқларидан чиқиш йўлларини излар экан, эскирган қоидаларни дадил улоқтириб ташлади, «марксист, ҳар қандай назария сингари, кечаги кунинг, жуда яхши деганда, фақат асосий, умумий нарсанигина белгилайдиган, фақат турмушнинг мураккаблигини тушунишга **яқинлашадиган** назариясига ёпишиб қолишда давом этмасдан, жонли турмушда **воқеликнинг** аниқ фактларини ҳисобга олиши лозим, деган шубҳасиз ҳақиқатни уқиб олиши керак»лигини амалда кўрсатди (Тўла асарлар тўплами, 31-том, 152-бет). Кўпинча ўз ўртоқларини ҳайратга солиб, бехосдан тактикани ўзгартириши ҳам, айрим ҳолларда ўртоқларининг эскирган позицияларини баъзан кескин танқид қилиши ҳам мана шундан келиб чиқар эди.

(Давоми иккинчи бетда).

• *БУГУН — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ* •

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ-У МЎЪТАБАРЛАР!

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қизлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни умумий ёрқин баҳор байрамимиз — Халқаро хотин-қизлар куни 8 Март билан самимий табриклайди.

Сизлар оила ва фарзандлар тўғрисида, мамлакатнинг ва бутун сайёранинг фаровонлиги ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдасизлар. Аёл, она қалби — жамиятимиз турмушида оғир синов кунларида ҳам, тинч меҳнат кунларида ҳам мустаҳкам маънавий таянчлардан биридир.

Хотин-қизлар жамиятимизни тубдан қайта қуришнинг мураккаб даврида барча янгиланиш жараёнларида фаол ва самарали иштирок этмоқдалар. Бунинг учун сизларга ташаккур! Айни пайтда мамлакат бугунги кунда бошидан кечираётган қийинчиликларнинг анча қисми сизларнинг зиммангизга тушмоқда, сизларнинг кундалик ташвишларингизни кўпайтирмоқда. Партия Марказий Комитети буни англаб, реал вазиятни кўриб турибди ҳамда навбат кутишларга ва моллар тақчиллигига, оғир қўл меҳнатига ва турмуш ноқулайликларига тезроқ барҳам берилиши учун, совет хотин-қизларининг маънавий имконияти тўлароқ намоён бўлиши ва жамият турмушининг барча соҳаларида қўлланилиши учун ҳамма ишларни қилади, деб сизларни ишонтиради.

Табиатнинг ўзи аёлларга бебаҳо туҳфа — тинчлик посбони бўлишдек туҳфани инъом этган. Ғазабнок кишиларни жаҳлидан тушириш, шафқатсиз қалбларни юмшатиш зарур бўлган пайтларда ҳамиша аёл мададкор бўлган. КПСС Марказий Комитети мамлакатда миллатлараро можароларни бартараф этишда, мулоқот ва гражданлар тотувлигини сақлаб қолишда сизларнинг мададингизга умид боғлайди.

Сайёрамизда умуман муҳолифлик ўрнини астасекин мулоқот, ишонч, ҳамкорлик эгаллаётганида ҳам совет хотин-қизларининг шубҳасиз хизмати бор. Аёлларнинг меҳр-мурувватга асрий интилишини, уларнинг инсонийлиги ва меҳригиёсини ҳақли равишда халқаро кескинликни юмшатишга, қуролсизланиш жараёнига муқаррар тус беришда, жаҳонда янгича, чинакам инсонпарвар тафаккурни мустаҳкамлашда ёрдам бераётган руҳий омиллар қаторига қўшиш мумкин.

Азиз хотин-қизлар!

Сизларга, онларингизга, барча ёр-дўстларингизга чин қалбдан сиҳат-саломатлик, эсон-омонлик, бахт-саодат тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

БУГУН — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март байрами. Шонли хотин-қизларнинг шижоаткорона меҳнати, уларнинг оила ва рўзғор тебратишларига тадбиркорлиги, ижтимоий фаоллиги, оналик меҳр-муҳаббати ва самимияти бутун халқимизни чексиз ҳурмат-эҳтиромига сазовордир. Байрам арафасида эл ҳурматига сазовор бўлаётган икки аёл билан танишасиз.

Эл миннатдор

● МУКАР ТЎРАЕВА, СССР халқ депутати (юқоридаги сурат). У Яккабоғ ноҳиясидаги «Коммунист» совхозида яшаб, меҳнат қилади. Узумчилик бригадасининг бошлиғи. Коллективга 40 гектар узумзор ажратилган. Бригада аъзолари узумдан 100 центнерга етказиб ҳосил олишмоқда.

Жонкуяр аёл цех партия ташкилотининг котиби, совхоз хотин-қизлар кенгашининг раиси. У 9 боланинг онаси.

— Жамиятимизнинг ҳамма жабҳаларини янгилаш жараёнида хотин-қизларнинг маънавий имкониятидан тўлароқ фойдаланиш учун янада кўп иш қилиниши керак, — дейди М. Тўраева. — Республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасида ҳали камчиликлар мавжуд. Давлатимиз олий ҳокимиятининг депутати сифатида ана шу масалага эътибор бермоқдаман, сайловчиларимнинг наказларини ўз вақтида бажаришга интилмоқдаман. Мусаффо осмон ва фарзандларимизнинг хушчақчақ кулгисини эшитишдек саодат йўлида куч-ғайратимни аямайман.

● ДЕҲҚОН табиатни севади, ерни ардоқлайди. Шу боис бўлса керак, у эрта тонгдан қадрдон даласига йўл олади. Зулфия Иброҳимова бугун ҳам эрталаб яна қадрдон даласига, дўстлари ҳузурига ошиқаётир. Дала бошида пудратчи коллектив аъзолари уни кутиб олишди. Суҳбат бу йилги мавсумнинг ўзига хос юмушлари ҳақида борди. Таъкидланишича, техника мавсумга тахт, баҳорги ишлар вақтида бажарилди, эндиги вазифа — уруғликни кўздан кечиришдан иборат. Бамаслаҳат иш юритилиб, ҳамма ўз иш жойига тарқалди.

Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалигида Зулфия Иброҳимовани яхши танишади. Тадбиркор, ишбилармон, Жумҳуриятимиз халқ депутати. Оилапарвар, 5 фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда.

— Пахтакор меҳнати ҳам қийин, ҳам шарафли, — дейди З. Иброҳимова. — Унинг меҳнати ҳар жиҳатдан тақдирланишга лойиқ. Депутат сифатида пахтакорларнинг турмуши, унинг меҳнати билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳал этилиши ҳақида ўйлайман. Пахта тақдири — қўлимизда. Мўл, сифатли пахта етиштирсак, Ватанимиз қудрати шунчалик ошади. Демакки, Ватан қудрати — бизнинг қудрат. Бирлик ва жипслик — дастурхонимиз тўкинлигини, турмушимиз фаровонлигини таъминлайди.

Суратда: З. Иброҳимова оила даврасида.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

СССР Олий Совети Мулк тўғрисидаги Қонунни қабул қилди

6 март куни Олий Совет кўпчилик овоз билан «СССРда Мулкчилик тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди — мазкур Қонун Совет Иттифоқида иқтисодий ислоҳотнинг ҳуқуқий негизини яратишга қаратилган бир қанча қонун актларининг асосийсидир.

Қабул қилинган Қонун СССР Конституциясига ўзгартишлар киритилишини талаб қилганлиги туфайли парламент бу борадаги таклифни СССР депутатларининг бўлажак Съездига тақдим этишига қарор қилди.

Мажлисда СССР Олий Советининг жиноятчиликка қарши кураш мувоққат комитети ўрнига Ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари комитети тузилди. Ю. В. Голик унинг раиси этиб сайланди.

Депутат Э. А. Памфилова парламент аъзоларининг интизомсизлиги тўғрисидаги масалага қайтди.

Раислик қилувчи А. И. Лукьянов эркаклар номидан хотин-қизларни кириб келаётган 8 Март байрами билан табриклади.

7 март куни депутатлар парламент комитетлари ва комиссияларида иш олиб бордилар.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ГУЛИСТОН, 7 март (ЎзТАГ). Бугун Гулистонда, қайта тикланган Сирдарё области марказида область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди.

Илгари Сирдарё область ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган А. А. Айдарқулов Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. С. Усмонов иккинчи секретарь, С. Давлатова, М. П. Нарзиқулов, Ю. Йўлдошев секретарлар қилиб сайландилар.

Пленум иштирокчилари область партия комитети бюросини сайладилар, бўлим мудирларини, область газеталарининг муҳаррирларини тасдиқладилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида давлат мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Тошкент шаҳрининг Киров районида ўн боланинг туғиб, тарбиялаган уй бекаси Ф. П. Сатторовага «Қаҳрамон она» унвони берилиб, у «Қаҳрамон она» ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистонликлардан тўрт кишига СССР Олий Совети Президиуми номидан «Енгинда жасорат кўрсатганлик учун» медали топширилди. Улар орасида ёнғин вақтида болаларни қутқариб қолган Тошкент «Геологоразведка» тажриба-эксперименталь заводининг токари Б. Б. Холмўминов бор.

Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқларининг республика фахрий унвонларига сазовор бўлган бир гуруҳ ходимларига гувоҳномалар ва тегишли кўкрак нишонлари топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ерлиқлари ҳам топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари Б. И. Бугров мукофотларни тантанали вазиятда топширди.

(ЎзТАГ).

Қалбимиз қўридан баҳраманд бўлиб

ТОШКЕНТ

Баҳор бошланиши билан ёрқин байрам — Халқаро хотин-қизлар куни 8 март кириб келади. Бу сайёрамиздаги барча хотин-қизлар байналмилал бирдамлигининг байрами. Жамиятимизда жўшқин инқилобий ўзгартишлар рўй бераётган ҳозирги вақтда хотин-қизлар эркаклар билан бир қаторда сиёсий ҳаётга фаол аралашмоқдалар, уларнинг тинчликни, табиатни, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган сўзлари турли минбарлардан, мамлакат халқ депутатлари Съезди минбаридан баралла янграмоқда.

7 март куни Тошкентда шаҳар жамоатчилигининг 8 март кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Чиройли қилиб безатилган А. Навоий номли давлат академик опера ва балет театрига партия, меҳнат ва уруш ветеранлари, меҳнат коллективлари, зиёлиларнинг вакиллари меҳнаткаш аёлларга, мушфиқ оналарга чин дилдан ташаккур айтгани келишди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов очди.

«Саодат» журналининг бош муҳаррири Ҳ. У. Худойбердиева доклад қилди.

(Давоми иккинчи бетда).

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

Янги чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг 7 март куни бўлиб ўтган биринчи сессиясида ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов халқ депутатлари Тошкент область Советининг раиси этиб сайланди.

С. Д. Сайдалиев Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Халқ депутатлари Бухоро область Советининг янги чақириқ биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров халқ депутатлари область Советининг раиси қилиб сайланди.

Ш. К. Гатаулин Бухоро область ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Россиядаги революциянинг муваффақиятини большевиклар партиясининг раҳбарияти жаҳон социалистик революциясининг истиқболлари билан тўғридан-тўғри боғлаганлиги маълум. Бироқ воқеаларнинг ҳақиқий жараёни бу мўлжалларни тасдиқламади. Мана шунда Ленин Совет ҳокимияти муқаррар мағлубиятга учрашини каромат қила бошлаган кимсалардан фарқли ўлароқ, большевиклар партиясида биринчи бўлиб, ёш Совет республикаси тушиб қолган ташқи ва ички шароитлар ўзгарганлигини холисона, атрофлича таҳлил этишга асосланган янги стратегияни ишлаб чиқишга киришди.

Ленин социалистик ўзгартишларнинг муфассал дастурини ишлаб чиқишга улгургани йўқ. Аммо у умумлаштиришга муваффақ бўлган тажрибанинг ўзи ҳам унинг турли мамлакатларнинг табиий-тарихий ўзига хослигига ва халқларнинг анъаналарига асосланган социализмга чиқишнинг хилма-хил йўлларини эътироф қилганлигига заррача шубҳа қолдирмайди. Социализм хусусидаги нуқтаи назарнинг тубдан ўзгариши социалистик тузум эскиликни мутлақ инкор этишдан иборат эмаслигини, балки у цивилизациянинг олий ютуқларини ўзига зарур тарзда сингдириб олиши кераклигини билдирар эди.

Бироқ Совет давлати асосчисининг кўпгина янги ғоялари амалда рўёбга чиқмай қолди. Унинг янги тузум моҳиятини тўраларча бузиш эҳтимоли борлиги хусусдаги хавфсирашлари тўғри бўлиб чиқди. Сталин режимининг буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасининг қарор топиши ижтимоий турмушни зўрлик билан бирхиллаштиришга, халқни сиёсатдан, мулкдан ва ҳокимиятдан тобора четлаштиришга, партияни фожиали равишда бузишга ва социализмни обрўсизлантиришга олиб келди. Жамиятда инсонни партия-давлат механизмининг «мурвати» деган сталинча тасаввур қарор топтирилди. Ленинизм меросидан ижодийлик, демократизм ва инсонпарварлик руҳи, умумбашарий қадриятларга мойиллик, инсонни тараққиёт воситаси эмас, балки олий мақсад деб англаш руҳи зўрлик билан чиқариб ташланди. Большевиклар партиясининг асл фарзандлари шафқатсизларча қирғин қилинди. Совет жамиятининг барча қатламлари ҳолдан тойдирилди. Сталинизм ленинизмдан шунчаки алоқани узишни эмас, балки миллион-миллион кишилар онгида социалистик ғоянинг ўзини ҳаддан ташқари сохталаштиришни ҳам билдирар эди. Тарихда мантиққа зид равишда мана шуларнинг ҳаммаси Ленин ғояларига «содиқлик» байроғи остида содир бўлди. Натижада жамият узоқ йилларгача аёвсиз ақидалар ва хурофотлар билан кишанланиб қолди, бу эса жамиятни ички жўшқинликдан, ўз-ўзидан ривожланиш ва янгиланиш имкониятларидан маҳрум этди.

Амалий воқелик асосида фикрлаш қайтадан тикланганлиги, ижтимоий онг ўн йиллар давомида сингдириб келинган сохта тасаввурлар ва афсоналардан халос этилганлиги мамлакатимизда қайта қуриш жараёнида бошланган туб ўзгартишларни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири бўлди. Бунда Лениннинг ғоявий-назарий мероси, ленинизм методологияси ўтмиш ва ҳозирги замоннинг туб муаммоларини атрофлича таҳлил қилиш учун, социалистик ривожланиш мураккабликлари ва зиддиятларини, унинг ҳаракатлантирувчи кучларини тушуниш учун илк нуқта бўлди.

Ленин XX асрнинг тубдан ўзгарган шароитида марксизмнинг фалсафий асосларини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди, сиёсий ҳаракат соҳасидагина эмас, шу билан бирга, жамият ва табиатнинг ҳаракат қонунларини таҳлил этишда ҳам диалектик усулни ҳар томонлама ишлаб чиқди ва уни моҳирона қўлланди. Лениннинг файласуфлар билан табиатшуносларнинг иттифоқи тўғрисидаги ғояси табиий, ижтимоий ва техникавий фанлар бирлигининг, инсон ҳақидаги фанлар мажмуининг ўлмас қоидаси сифатида ҳозир ҳам долзарбдир. Лениннинг мутафаккир тарзидаги чинакам маънавий қиёфасини тиклаш, унинг кўпдан-кўп қаллоблар анча сохталаштирган ва жўнлаштирган назарий меросига ҳақиқатан ҳам илмий муносабатни қарор топтириш муҳим вазифа бўлиб турибди.

Ҳозир Лениннинг ғоявий-назарий меросига муносабатда икки хил турдаги ҳаддан ошишлар намоён бўлмоқдаки, буларга қўшилиб бўлмайди. Бизнинг Лениндан ўрганадиган нарсамиз йўқ, унинг ўзи ва ишлари ўтмишда қолиб кетди, деб даъво қилаётганлар жуда янглишадилар. Албатта, Лениннинг меросида тарих бисоти бўлиб қолган нарсалар ҳам бор, бироқ унинг энг муҳим ғоялари, ленинизм руҳининг ўзи ҳам бизнинг давримизда яшаб келмоқда. Ҳозирги замоннинг жамики хилма-хиллигини ва зиддиятли жараёнларини фақат Лениндан мисол, унинг асарларидан парчалар келтириб изоҳлашга уриниш ҳам тўғри эмас. Ақлий боқимликка яқинлашиб борадиган ёки бевосита шундай боқимликка айланиб кетадиган ақлий журъатсизлик Ленинга ҳамиша ёт эди.

Башарти, Лениннинг ўша даврдаги аниқ ижтимоий-сиёсий вазият хусусида айтган гаплари автомат тарзда сўнгги ҳақиқат деб ҳозирги турмушга татбиқ этиладиган бўлса, буни Лениннинг ўзи бемаънилик, деб ҳисоблаган бўлур эди. Назариётчилар ҳам, сиёсатчилар ҳам воқеалар боришининг барча тафсилотларини олдиндан башорат қила олмайдилар, неча ўн йиллардан кейинги икир-чикирларни ҳисоб-китоб қилиб бера олмайдилар. Ленин аниқ воқеликни таҳлил этишга асосланган илмий башоратни масъулиятсизларча каромат-бозликка қарама-қарши қўяр эди. У мафкура соҳасидаги тарғиботчиларнинг хаёлий фаразларидан ҳамиша одамларнинг соғлом ақл-идрокини афзал кўрар эди.

Лениндан кейин дунёда, шу жумладан мамлакатимизда ҳам шундай ўзгаришлар рўй бердики, уларни XX асрнинг бошларида тасаввур қилиб бўлмас эди. Бу ўзгаришлар ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларига шунчаки таъсир қилибгина қолмай, айни вақтда дунёнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Капитализм хаёлга ҳам келмаган имкониятларини намойиш этди. Янги тузум воқеликка айланди, аммо у ҳам ўз афзалликлари билан бир қаторда, тарихан барпо этилган шаклларнинг салбий жиҳатларини намоён қилди. Ижтимоий системаларнинг биргаликда яшаши тўғрисидаги масала сифат жиҳатдан янги мазмун касб этди. Инсоният олдида пайдо бўлган жаҳоншумул муаммолар ва хавфхатарлар халқлар ва давлатларнинг ижтимоий тузумидан қатъи назар мухолифликдан ҳамкорликка ўтишларини талаб қилди. Жаҳон майдонидаги бевосита мухолифлик бартараф этилмоқда, ўзаро ҳурмат, мустақиллик қоидалари қарор топтирилмоқда, умумбашарий қадриятларнинг устунлиги тўғрисидаги ғоя тобора кенг миқёсда эътироф қилинмоқда. Янги сиёсий тафаккур бутун дунёда тобора яхшироқ тушуниб олинмоқда.

Мана шу тарихий воқеликлар қаршисида Лениннинг ҳозирги даврнинг руҳи ҳақидаги фикрлари, табиийки, қоида тусига киритилмаслиги керак, бу фикрлар жаҳондаги ижтимоий ўзгартишлар, социализм дунёсидаги янги ҳодисаларнинг ялпи тажрибасини эътиборга олиб, ижодий равишда ривожлантирилиши лозим. Социализмни сифат жиҳатдан янгилаш жараёнида қарор топаётган унинг янги қиёфаси, — бу — инсонпарвар, демократик социализмдир. Социалистик ғоя халқларнинг мустақиллигига, уларнинг турмуш тарзига, тилига ва маданиятига ҳурмат билан қарашдан иборат маънавий талабни ўз ичига олади. Бу ғоя ижтимоий ҳамкорликка, яхши қўшничиликка ва тинчликка даъват этади, зўравонлик ва бедодликнинг ҳар қандай шаклларини қатъиян рад қилади.

Партия Ленин меросини ақидапарастлик асоратларидан, қалбакиликлар ва сохтакорликлардан халос этар экан, уни ўзини ғоявий ва сиёсий жиҳатдан янгилашнинг энг муҳим манбаларидан бири деб, объектив воқеликни билиш ва ўзгартиришнинг илмий усули, самарали воситаси деб ҳисоблайди.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳозир Ленин ғояларига мурожаат қилиш шунчаки Ленинга қайтишни билдирмайди, балки Ленин билан биргаликда олға ҳаракат қилишни билдиради. Гап, бир томондан, Ленин ғояларини амалий ғоялар жумласига қайтариш ҳақида бормоқда, чунки ўтмишда бу ғоялар кўп жиҳатдан фақат эълон қилиб қўйилар эди. Иккинчи томондан, жамиятимиз турмушининг ҳозирги жараёнларини чуқур таҳлил этиш, қайта қуриш сиёсатини амалга ошириш учун янги назарий фикрлар ва хулосалар, асосланган тавсиялар жуда зарур. Охир оқибатда ишнинг муваффақияти марксчиларнинг ҳозирги авлоди ўз олдиларида турган муаммоларни Ленин меросига таяниб, жаҳон ижтимоий тафаккури, фани, маданиятидаги жамики илғор тажрибаларга таяниб, мустақил ҳал эта олишларига боғлиқ бўлади.

Буюк мутафаккир ва революционер — Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги дабдабали тадбирлар уюштириш учун баҳона эмас. Юбилейлар босиб ўтилган йўлни идрок этишга, бутун диққат-эътиборни ҳал қилинмаган вазифаларга қаратишга ундаши лозим, деб ҳисоблар эди Ленин. Мамлакат коммунистлардан дабдабали иборалар, ҳашаматли сўзлар ва ваъдаларни, ленинча принципларга амал қилиш ҳақидаги расмий қасамларни эмас, балки аниқ-равшан ҳаракатларни, эълон қилинган сиёсатнинг амалий натижаларини кутмоқда. Қайта қуришнинг тақдири, бинобарин, социализмнинг янги қиёфасига эришилиши ҳал қилувчи даражада бўлмаганида ҳам, жуда кўп даражада КПСС-нинг фаолиятига боғлиқ. КПСС XXVIII съезди арафасида Лениннинг юбилейи партиянинг сифат жиҳатдан янгилашни, унинг барча бўғинлари фаолиятини чинакам қайта қуришни рағбатлантириши керак. Партия кенг ички партиявий демократияни қайта тиклаш ва ривожлантиришни қолоқлик ва ақидапарастликдан кафолат деб билади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги муносабати билан КПСС XXVIII съездига тайёргарлик билан, партия сиёсий Ҳаракат дастури лойиҳасининг умумпартия ва умумхалқ муҳокамаси билан узвий боғлиқ равишда тегишли сиёсий ва ташкилотчилик ишини авж олдириб юбориш таклиф этилди.

Назарий ишда Лениннинг назарий меросини эътиборга олиб, янгиланиш мафкурасини янада пухта ишлаб чиқишга, социализмнинг тарихий тажрибасини, ҳозирги замон ижтимоий тажрибасини ижодий идрок этишга асосий диққат-эътибор қаратилсин. Меҳнаткашлар, айниқса ёшлар орасидаги мафкуравий, оммавий-сиёсий ишда инсоний, демократик социализм ғояларини ва инқилобий қайта қуриш вазифаларини тушунтириш диққат марказига қўйилсин. Партиянинг турли демократик ижтимоий гуруҳлар ва ҳаракатлар билан кенг амалий мулоқоти амалга оширилсин.

Москва шаҳрида тантанали йиғилиш ўтказишга қарор қилинди. Йиғилишда М. С. Горбачев доклад қилади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган асосий тадбирлар белгиланди.

БУГУН -

Қалбимиз қўридан баҳраманд бўлиб

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Докладда хотин-қизлар ҳаракати жамиятни прогрессив ривожлантиришнинг қудратли омили эканлиги таъкидланди. Аёллар мамлакатимизда бўлаётган демократик ўзгартиришларда фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданиятимиз ривожига қўшаётган ҳиссалари салмоқлидир. Ўзбекистонда минглаб аёллар — шифокорлар, муаллимлар, олимлар, санъат арбоблари меҳнат қилишмоқда.

Лекин қайта қуриш жараёни жамиятимизда кўплаб салбий ҳолатлар тўпланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Барчамиз бу салбий ҳолатлардан ғоят ташвишланмоқдамиз. Ижтимоий, экологик танглик, миллатлараро негиздаги можаролар аввало оналаримизга жуда кучли таъсир қилмоқда. Оилани мустаҳкамлашда, ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда аёлларнинг роли бугунги кунда ҳар қачонгидан катта бўлмоқда. Айни вақтда хотин-қизлар меҳнати, турмуши ва дам олиш шароитларини яхшилаш учун ҳали кўп ишлаш керак.

Масалаларнинг кенг доирасини ҳал этишда хотин-қизлар кенгашларининг аҳамияти жуда катта. Ҳозир ҳамма ерда шундай кенгашлар тузилган, улар хотин-қизлар ҳуқуқлари учун фаол курашишлари, ўсиб келаётган авлодни Ватанга муҳаббат, турли миллат кишилари ўртасида ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашга кўмаклашишлари муҳимдир.

Совет хотин-қизлари тинчлик учун, қуролсизланиш учун курашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Хотин-қизларга ва уларнинг фарзандларига мусаффо осмон керак. Ўзбекистон хотин-қизлари барча совет халқи билан биргаликда КПСС XXVIII съездини муносиб кутиб олиш учун ҳозирлик кўрмоқдалар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка номзодлар Д. Д. Берков, А. С. Ефимов, М. И. Иброҳимов, М. М. Мирқосимов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Долзарб мавзуда суҳбат

ҲОЗИРГИ ЖАМИЯТДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш программасини ишлаб чиқишга киришилди. Бу ишда иқтисодиёт ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий сиёсат ва маданият соҳаларининг, министрлик ва идораларнинг етакчи мутахассислари иштирок этишмоқда.

ЎзТАГ мухбири Н. Полянскаянинг программанинг асосий йўналишларига доир саволларига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хотин-қизлар, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари бўлимининг мудири О. С. АББОСОВА жавоб беради.

— Ойдин Солиҳовна, Давлат программаси қандай муаммоларни кўзда тутиб, ҳал этади ва қайси муддатда бу программа амалга оширилади?

— Бугунги кунда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш масаласи устун йўналишга эга бўлиб бормоқда, бу эса тасодифий эмас. Оила билан, жамиятда хотин-қизларнинг ўрни, меҳнатни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан боғлиқ кўпгина ижтимоий муаммолар ҳақида узоқ вақт лом-мим дейилмади. Бизнинг кўпгина иллатларимизнинг сабаб ва оқибатлари шунда эмасмикан?

Афсуски, бизда хотин-қизлар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги шиорий сийқа тушунча тарзида тилга олинди. Амалда эса мутлақо бундай эмас. Боз устига, аёллар ишлаб чиқаришда эркаклар билан баб-баравар меҳнат қилишмоқда, она, уй бекаси, рафиқа бўлишдек кўпдан-кўп мажбуриятлар улар зиммасида. Ўзбекистоннинг кўп болали оилаларининг аксарияти яшайдиган қишлоқ жойларида энг оддий турмуш шароитининг йўқлиги аёлларнинг қарамлигини янада кучайтиради, унинг ва фарзандларининг соғлиғини заифлаштиради. Шунинг учун ҳам республикамизда оналар ва гўдаклар ўлими ҳамон юқори даражада эканлиги бежиз эмас. Хотин-қизларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилиши билан бирга оилага тегишли ижтимоий-маиший шароит яратиб берилмаётганлиги ачинарлидир. Бизда ҳамон болалар боғчалари, тиббий муассасалар, новвойхоналар, дўконлар, ҳатто ҳаммомлар етишмаяпти.

2005 йилгача мўлжалланган узоқ муддатли Давлат программаси ана шу муаммоларнинг ҳаммасини қамраб олади. Мазкур программа келгуси йилданоқ амал қила бошлайди. Программа хотин-қизларнинг ҳозирги жамиятда ижтимоий ҳимоялиниши билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларни ҳал этишни таклиф қилади. — Бу ижтимоий ишлаб чиқаришда оқилона банд бўлишни, меҳнатни ва соғлиқни муҳофаза қилиш, тегишли маиший қулайликларнинг, айниқса, чекка жойларда вужудга келтирилишини ва албатта, болаларни нормал тарбиялаш учун шарт-шароитларнинг яратилишини билдиради. Программада оилаларга давлат йўли билан пул ва уй-жой, тиббий ва маданий ёрдам бериш кўзда тутилган. Қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоси программада катта ўрин эгаллайди.

— Сиз программа ҳақида умумий тушунча бердингиз, булар истиқболдаги масалалар. Лекин муштарийларни хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш борасида бугунги кунда кўрилаётган конкрет чора-тадбирлар қизиқтирмоқда. Айтайлик, ишлаб чиқариш соҳасида, бошқа масалаларда қандай реал қадамлар қўйилди?

— Ўзбекистонда ишга жойлаштириш муаммоси — энг ўткир муаммолардан биридир. Бугунги кунда меҳнатга яроқли ёшдаги аёлларнинг атиги 57 фоизи республика халқ хўжалиги тармоқларида банд, айни вақтда мамлакатда бу кўрсаткич 90 фоизни ташкил этади. Рақамлар масаланинг моҳиятини кўрсатиб турибди. Ҳозирги вақтда республикада қарийб 9 миллион киши, ёки бутун аҳолининг 45 фоизи қишлоқлик даражасидан ҳам ёмон аҳволда яшамоқда. Ишлашни истаётган аёлларни иш билан таъминлаш масаласи биз учун ижтимоий-сиёсий масалагина бўлиб қолмай, шу билан бирга иқтисодий тус олмоқда. Туғилиш даражаси юқори бўлган қишлоқ жойларда иш билан таъминланиш, айниқса, ташвишли аҳволда. Болтиқбўйи республикаларидаги оилаларда 1—2 нафардан бола бўлса, бизда 6—7 нафардан бола бор. Турмуш даражасидаги бунчалик катта тафовут ҳам ана шундан келиб чиқади, чунки неъматларни катта оилада тақсимлашга тўғри келади-да.

— Бу муаммолардан қандай чиқиш мумкин?

— Программада қишлоқ жойларда янги иш ўринлари — тикувчилик ва трикотаж фабрикаларининг филиалларини тузиш, касаначилик кенг тармоқларини ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда республикамизда қарийб 20 минг касаначи бўлиб, ана шундай жадвалда меҳнат қилишни истовчилар эса неча ўн минг кишидир. Афсуски, касаначиликни ривожлантиришни орқага тортувчи сабаблар бор. Бу моддий-техника таъминотидаги мураккабликлардир — тикув ва тўқув машиналари, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа асбоб-ускуналар ниҳоятда етишмайди. Биз СССР Министрлар Советига қишлоқ хотин-қизларини касаначиликка янада кенгроқ жалб этиш учун ана шундай ускуналар ва хом ашёларни қўшимча равишда ажратиб беришларини сўраб, мурожаат қилдик.

Айни бир вақтда мамлакат ҳукумати олдига даладаги барча қўл меҳнатига тўланадиган ҳақни ошириш масаласини қўйдик. Бугунги кунда республиканинг аграр секторида 800 мингдан ортиқ хотин-қиз машғул бўлиб, улар қишлоқ хўжалигидаги қўл меҳнатининг деярли барчасини бажарадилар. Дала ишларига жуда оз ҳақ тўланади, бу иш эркаклар учун нуфузли эмас. Бундай «меҳнат тақсимоти»нинг натижалари аянчлидир. Тиббий текширувлар шуни кўрсатдики, пахтага қўлда ишлов бериш ва уни қўлда териб олиш ёш аёл организмида жуда нохуш ўзгаришларга олиб келади.

Ижтимоий инфраструктура ниҳоятда паст даражада ривожланганлиги туфайли ҳам қишлоқ жойларда хотин-қизларнинг аҳволи мураккаблашган. Шу кунгача кўпгина аҳоли пунктларида ташиб келтириладиган сувдан, артезиан қудуқлардан, кўпинча эса ариқлардан фойдаланадилар. Қишлоқ аҳоли пунктларининг атиги бир фоизи канализация тармоқларига эга, қишлоқликлар уйларининг атиги 14,5 фоизи газлаштирилган. 3500 дан ортиқ қишлоқ аҳоли пунктлари соғлиқни сақлаш ва савдо муассасаларига муҳтож. Медицина кадрлари билан таъминланганлик даражасига кўра, Ўзбекистон Иттифоқда охирги ўринлардан бирида турибди. Мен кечиктирмай ҳал қилинадиган муаммоларнигина санаб ўтдим.

— Лекин уларни ҳал этиш учун жуда катта капитал маблағлар талаб қилинади. Бу маблағларни қаердан олиш керак?

— Тўғри, бу жўн масалалар эмас, албатта. Уларни дарҳол ҳал этиб бўлмайди. Аммо баъзи бир нарсаларни шу бугуноқ амалга ошириш мумкин. Шу йилнинг ўзидаёқ кам таъминланган оилалар ва ҳомиладор аёлларга, бошланғич синфларнинг ўқувчиларига, ногиронлар ва қарияларга, студентлар ва маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ходимларига ёрдам бериш учун давлат, партия маблағлари ҳамда бошқа бюджетлар ҳисобидан бир миллиард сўмдан ортиқ пул ажратилди.

Хусусан, оналарга турли тўловлар ва имтиёзлар учун ҳисобга маблағ берилмоқда. Бу йилги планда 1—5-синфларнинг ўқувчиларига бепул нонушта уюштириш учун 64,4 миллион сўм, камқонлик касаллигига дучор бўлган ҳомиладор аёлларга озиқ-овқат ва дори-дармонлар бериш учун 36,6 миллион сўм, болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган отпускани бола бир ярим ёшга етгунига қадар кўпайтиришга 110 миллион сўм пул ажратиш кўзда тутилган.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш масалалари ҳал этилишини кутиб турибди. Кўп болали оилаларнинг аксарияти истиқомат қиладиган қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш оилавий врачлар ва медицина ҳамширалари хизматини ташкил этиш йўлида ривожлантирилиши кераклигига ишончим комил. Бу борада Фарғона водийси қишлоқларида дастлабки тажриба орттирдик. Бу йил кўп болали оилаларга (10—15 оилага битта ҳамшира) хизмат кўрсатиш учун патронаж меҳр-мурувват ҳамширалари хизмати тузила бошлади. Хизматни республика Қизил ярим ой жамияти йўлга қўйди. Бу йил беш юз нафар патронаж ҳамшира тайёрланади. Республика ҳукумати бу ташаббусни қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг ер участкалари ажратиб бериш тўғрисидаги қарори оила фаровонлиги ҳақида алоҳида гамхўрлик бўлди. Бу қарор республика ҳамда ҳар бир оиланинг иқтисодий аҳволини анча яхшилайди. Пахта тайёрлаш планининг камайтирилиши муносабати билан боғдорчилик-полизчилик экинлар майдонларини кенгайтириш, уларни қайта ишлайдиган янги корхоналар яратиш имконияти вужудга келди. Бу йил оилалар шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун 25 сотихгача ер олдилар. Буларнинг ҳаммаси аёлларнинг иш билан таъминланишини ошириш, оилаларнинг овқатланишини, айниқса, чорвачилик маҳсулотлари, ҳўл мева ва сабзавот тановул қилишини яхшилаш имконини беради.

— Яқин келажакда қандай ишлар бажарилади?

— Биз мамлакат ҳукуматига мурожаат қилиб, аёлларимизнинг бошқа муаммоларини ҳам ҳал этиб беришларини илтимос қилдик. Масалан, очиқ жойларда қишлоқ хўжалигида бажарилган қўл меҳнати учун белгиланадиган ҳақнинг оширилишини сўрадик. Бу эса эркакларнинг ана шу ишларга жалб этилиши, аёлларни қўёш тиғи остида оғир меҳнат қилишдан халос этиш имконини беради. Иттифоқ ҳукуматимиз олдига болалар озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни кўпайтириш ва ана шундай маҳсулотларни ўзимизда, маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун машина-ускуналар ажратиб бериш масалалари ва бошқа кўпгина масалалар қўйилди.

Айрим муаммоларни келгусида ўз кучимиз билан ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблайман. Республикамиз ҳукумати қишлоқларда янги болалар боғчалари ва мактаблар, касалхоналар ва маиший хизмат комбинатлари қуришни режалаштирди. Маҳаллий хом ашёда қишлоқдаги кичик консерва заводлари ва тикувчилик устахоналари, трикотаж фабрикаларининг филиаллари ишлайди. Меҳнат коллективларининг кенгашлари, корхона раҳбарлари хотин-қизларга эътибор билан муносабатда бўлган жойларда уларнинг масалалари доимо ижобий ҳал этилмоқда. Янгийўл боғдорчилик-узумчилик комплекси, Қўқон шаҳридаги «Большевик» заводи ва «Водоканал» Тошкент трести, Сурхондарё областининг Денов районидаги Собир Раҳимов номли колхоз ҳамда Наманган областининг Уйчи районидаги «Қизил равот» совхози, бошқа бир қанча корхоналар ва хўжаликлар бу соҳада яхши тажриба орттиришган.

Иттифоқ бўйсунувидаги корхоналар ҳам хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда бизга ёрдам берадилар, улар мудофаа соҳасидаги корхоналар фаолияти ўзгараётган шароитда хотин-қизларнинг рўзғор ишларини енгиллаштирадиган техникани ишлаб чиқаришлари лозим.

— Биз ажойиб баҳор байрами арафасида сиз билан учрашдик. Ўзбекистон хотин-қизларига сизнинг қандай истакларингиз бор?

— Мамлакатимиз оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Менимча, ҳозирги вақтда сабр-тоқат билан мамлакатимизга ва республикамизга вақтинчалик қийинчиликларни енгишда, умумий хонадонимизни сақлаб қолишда, унинг вайрон бўлишига йўл қўймасликда ёрдам бериш энг муҳимидир. Доно, меҳр-муҳаббатли ва сабр-тоқатли аёлларимиз бунинг уддасидан чиқади. Бизнинг кўп йиллик тарихимизда бунинг ажойиб намуналари бор. Сизга эзгулик, бахт-саодат ва эсон-омонлик тилайман.

СЕССИЯ ЎЗ ИШИНИ ТУГАТДИ

7 март куни янги чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессияси ўз ишини тугатди. Унда барча депутатларнинг қуч-ғайратларини қандай қилиб яхшироқ бирлаштириш, икки миллион аҳоли яшайдиган шаҳар турмушининг барча соҳаларида қайта қуришни жадаллаштиришдек асосий мақсадга эришиш хусусида амалий, қизиқарли суҳбат бўлди.

Сессия ишининг иккинчи кунида шаҳар Советининг доимий комиссиялари тузилди ва сайланди, бошқа ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

Депутатлар шаҳар Советининг бу йилги иш режаларини тасдиқладилар.

(ЎзТАГ).

Янги рўзнома

Кеча, халқаро хотин-қизлар куни арафасида янги рўзнома — «Ўзбекистон автомобилчиси» — «Автомобилист Ўзбекистана» газетасининг биринчи сони муштарийлар қўлига тегди.

Янги рўзнома ўз олдига тармоқда ҳам, бутун жумҳуриятда ҳам амалга оширилаётган қайта қуриш жараёнига кўмаклашишни вазифа қилиб қўйган. Айни пайтда газета саҳифаларида иқтисодиётнинг долзарб муаммолари, илғор автотранспорт жамоаларининг иш тажрибаси, шу соҳадаги барча янги ва илғор нарсалар, ижтимоий ҳамда маданий-маиший масалалар, автотранспорт меҳнатчиларининг дам олиши ва бўш вақтини қўнгилли ўтказишни уюштириш билан боғлиқ материаллар кенг ёритилади.

Рўзноманинг биринчи сонида Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри Л. Ахметовнинг «Долзарб вазифаларимиз», «Ташгорпасстранс»га қарашли 2-автокомбинат партия комитети секретари Л. Крестовнинг бошланғич партия ташкилоти ҳаётига оид мақолалари ўрин олган. Жумҳурият пойтахтидаги 5-таксопаркда неча йиллардан бери хизмат қилаётган ишлаб чиқариш ветеранлари, ҳайдовчилар: Вазира Солиҳова билан Анна Кузьминична Жукова ҳақида ҳикоя қилувчи мақола газетхонлар эътиборини тортиши шубҳасиз.

Оқ йўл, «Ўзбекистон автомобилчиси» — «Автомобилист Ўзбекистана»!

Аёл саховати

Ипак нега силлиқ, мулойим бўлади? Ундаги турфаранг жилолар жозибаси қаердан? Ипак қуртини меҳр билан парвариш қилган аёл қўлларининг тафтини сезаман унда. Енгилгина пилла донасидан қишлоқ аёлининг қисқа муддатли, лекин қизғин, тиғиз машаққатли меҳнати мужассам. Зеро, пиллачиликда барг кесишдан ташқари барча жараёнлар аёллар қўли билан амалга оширилади.

Ўтган йили колхозимиз аҳли пиллачиликдаги фаолиятимга 45 йил тўлганлигини нишонлади. Невараларимнинг ҳисоб-китобига кўра, шу йиллар давомида якка ўзим давлатга 10 тоннага яқин «кумуш тола» топширибман. Бирор йил ҳам планни бажармай юзим шувит бўлиб қолгани йўқ. Узоқ йиллик тажрибалар асосида ипак қуртини боқишнинг янгича усулларини қўлланишга ҳаракат қилдим. Масалан, мен пилла қуртига дастани фақат садарайхон шохларидан тайёрлайман. Шу мақсадда томорқамиздаги анчагина жойга садарайхон экиб парваришлайман. Етилгач, ўриб, боғ-боғ қилиб ғарамга босаман. Садарайхон дастасида пилла ўраган қурт касалликка чалинмайди. Чунки садарайхонда ҳар хил касалликларни даф этадиган хусусият бор. Пилла донаси ҳам йирик, сифатли бўлади. Қурт боқиш муддатини ҳам бирмунча қисқартиришга эришдим. Пиллакорлик билан шуғулланиб кам бўлганим йўқ. СССР Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Дилбар Солиҳонова, Оминахон Қодирова сингари шогирдларим изимдан боришяпти. Пиллачилик бригадаси бошлиғи Муҳаббат Фахриддинова эса Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

Бироқ пиллачиликда етилиб қолган муаммолар кўп. Масалан, ҳали ҳам қурт озуқаси ҳал этилгани йўқ. Барг етишмаслиги оқибатида ҳатто боғимиздаги мевали дарахтлар ўрнига ҳам тут экканмиз. Неча йиллардан буён доимий фойдаланадиган қулай сўкчаклар ҳақида орзу қиламиз. Шундай темир сўкчакларнинг йўқлиги туфайли ҳар йили пиллакор ўз ёнидан ёғоч сотиб олиб янги сўкчак қуришга мажбур бўлади.

Қурт боқиладиган ҳонадонда бир ой тиним йўқ. Болачақа билан тонг саҳардан то ярим тунгача қурт боқиш ташвишида бўласан. Гоҳ даладан барг ташиб келишга транспорт етишмайди. Баргни ўз вақтида қирқиш, кўмир ёқиб қуртхонани иситиш, туни билан ҳароратни бир маромда ушлаб туриш... Эҳ-ҳе, ташвиши кўп бунинг. Энг муҳими, мана шу ишларнинг ҳаммасида ҳонадон бекаси бош-қош бўлади. Баъзан ўйлаб қоламан. Машаққатли меҳнат, аёлларимизнинг уйқусиз тунлари эвазига етиштириладиган «кумуш тола»га белгиланган харид нархи адолатлими? Республика партия-ҳукумати раҳбарлари мана шу масалани ўз вақтида кўтардилар, деб ўйлайман.

Фазилат ҚУЗИБОЕВА,
Олтиариқ районидаги Энгельс номли колхоз пиллакори, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

• БУВИЖОНЛАРИМИЗ

Нодира ғазал ўқимоқда (Рассом Н. ҚУЗИБОЕВ).

ЁР ВАСЛИ

НОДИРА

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.
Ҳар кишини бир муносиб ёри бор,
Мен ўшал оворадурман ёрсиз.
Ул париваш васлидан бўлдим жудо,
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.
Ёр учун ағёр дардин тортамен,
Кўрмадим бир ёрни ағёрсиз.
Тан бузулди эмди роҳат қолмади,
Соя пайдо бўлмағай деворсиз.
Оразим кўр, бўлма зулфидин малул,
Бу жаҳонда ганж йўқдур морсиз.
Берма нисбат қаддиға, эй боғбон,
Сарадур бу боғаро рафторсиз.
Ор қилмас таънаи ағёрдин,
Ошиқи содиқни дерлар орсиз.
Нодира аҳволидин огоҳ ўлунг,
Эй мусоҳибларки, қолмиш ёрсиз.

САМО КАМАЛАГИ

Майин ёмғир инжулари томчилагач, само бўйлаб ёйкамалак ўз жамолини кўз-кўзлаганини кузатганмисиз? Унинг турфа ранглари ҳавасингизни уйғотганми? Ўзининг интилиши, кураши, изланиши ва камолоти билан камалак сингари ёғду таратадиган онахонларимиз-чи? Туркистонда инқилобий ҳаракат қатнашчиси, жумҳуриятимизда хотин-қизлар озодлиги учун курашдаги фаол иштирокчилардан бири Тўрахон Иброҳимова ҳақида ўйлаганимизда худди ўша ёйкамалак ёдимизга келади.

Тўрахон Иброҳимова ёшлигиданоқ хотин-қизлар ташкилотини бошқарган. 1923 йили Туркистон АССР делегацияси таркибида Бутунроссия қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг очилишида иштирок этган, доҳий В. И. Ленин билан учрашган. Тўрахон ая кейинчалик ўз хотираларида доҳий ҳузурига кириш олдидаги ҳаяжонли дамларини кўп марталаб сўзлаб беради. Унинг республика рўзномаларидан бирида шундай хотираси чоп этилганди:

«Ильич ўзим ҳақимда, Туркистон хотин-қизлари ҳаёти ҳақида сўзлаб беришимни сўради. Мен ёшлик чоғимданоқ эртадан кечгача икки букилиб бойнинг даласида меҳнат қилганимни айтиб бердим... Мен Ильичга хотин-қизларни озод қилиш учун қандай курашаётганимни сўзлаб бердим. Ўзбек хотин-қизлари давлат ва жамоат ишида тобора кенг миқёсда иштирок этаётганлиги ҳақида ҳикоя қилганимда Владимир Ильич нихоятда мамнун бўлди».

Тўрахон бир олам қувонч билан она шаҳри Қўқонга қайтади, унутилмас учрашув унинг ғайратига ғайрат қўшади. 1924 йилнинг январида яна Москвага — СССР Советларининг II съездига делегат сифатида йўл олади. Бу сафар ҳам доҳий билан учрашишга аҳд қилади. Лекин... съезднинг 21 январь эрталабки мажлиси очилиши олдидан делегатларга улуғ Ленининг вафот этганлиги ҳақидаги қайғули хабар билдирилади. Делегатлар Горькига боришади, Ильич тобути устида у Надежда Константиновна Крупская ва Мария Ильинична Ульянова билан ёнма-ён доҳий билан видолашади.

Т. Иброҳимова ишчи ва деҳқон депутатлари Советларининг II съезди делегати, Туркистон ва Ўзбекистон Советлари съездлари қатнашчиси, 1925—29 йилларда «Қўшчи» союзи Марказий Комитети хотин-қизлар бўлими мудири бўлиб ишлайди. Яна қанча жамоат ишлари... Лекин... Лекин, биз ўз умрини келажак учун ҳадя этган ана шундай табаррук сиймоларни етарлича ардоқлаяпмизми?! Доҳий В. И. Ленин билан ҳамсуҳбат бўлган Тўрахон Иброҳимова ва шу сингари табаррук оталаримиз, бувиларимиз номларини улуғлаяпмизми?! Ҳатто Тўрахон буви туғилган куннинг 100 йиллигини ҳам нишонламадик. Бу менинг, сизнинг ва ҳаммамизнинг айбимиз. Бугунги авлоднинг айбидир.

Улуғ боболаримиз, момоларимиз само камалаги янглиғ ёғду таратиб турибди. Бу ёғду дилларга таралсин! Шундагина фано уйидан бақо мулкига сафар қилган аждодларимизнинг руҳи шоду-хуррам бўлажак.

М. ПИРМАТОВ.

*

1. Чиммат ичра. 2. Келди очилур чоғинг... (Рассом Т. Содиқов). 3. Бахтиёр ёшлик.

*

Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат,
Меҳнат бор, муҳтожлик доим бегона.
Онамсан, ёримсан, синглимсан фақат,
Дунёда энг азиз дўстим, ягона.

Ғафур ҒУЛОМ.

• ОНАЖОНЛАРИМИЗ

ОЙДИН

МЕНИНГ ҚАҲРАМОНИМ

Ойдин. (Рассом Б. КОТИК).

● Қизиқ, одамлар бўладики, юз йил умр кўрса ҳам тарихда бир чақага арзирлик, ҳикоя қилиб маза топарлик ери бўлмайди. Бундай одамлар нима учун дунёда яшаётганини ўзи ҳам билмайди. Билган тақдирда ҳам дунёдан номнишонсиз ўтиб кетаверади.

Баъзи одамлар бўлади, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, бироз муболаға қилиб айтганда томларда варрак учириб юрадиган чоғи, аммо умр тарихини қаламга ола бошласангиз, ёзиб тамом қилиб бўлмайди — бутун бир катта романга мазмун бўлади.

Бундай кишилар ҳақида сўзлаш ҳам завқли, ҳам мароқли. Уларнинг номи тарихда олтин ҳарфлар билан ёзилади.

ЎША ДАМЛАР

Ушандан бўён бир инсон камолга етгулик муддат ўтди. Эллик уч йил илгари жумҳурият темир йўл тармоқларида машинистлик қиладиган бир аёл бор эди. Унинг исми Башорат, шарифи Мирбобоева бўлиб, унинг номи Ўрта Осиё ҳудудида эъзоз билан тилга олинадиган бўлиб кетди.

«Нима дейсан, Башорат паровоз ҳайдаётганмиш», деган гаплар йироқ-йироқларга тарқалди. Уни ўз кўзи билан кўргани турли вилоятлар, ноҳиялардан ёш-яланглар атайлаб келишарди. Тошкент локомотив депоси машинисти Башоратнинг довюраклиги, чаққон ҳаракатларини кузатишда зерикишмасди.

Бу воқеадан ўлкамизда саёҳат қилиб юрган Юлиус Фучик ҳам хабар топди. Ўзбек хотин-қизларидан етишиб чиққан биринчи паровоз машинисти ҳақида ватандошларига завқ билан ҳикоя қилди.

Машинистдан парашютчи чиққанини ҳам биласизми? 1935 йилнинг эрта баҳори. Айни Наврўзга тараддуд кўрилаётган паллаларда Башоратни излаб қолишди. Туркистон темирйўл бошқармаси сиёсий бўлими ходими Михаил Чиковани самимий суҳбатлаша туриб бундай деди:

— Қушларнинг учишини кўрганмисан? Агар кўрмасанг, сен ҳам қушлар каби парвоз қилишинг мумкин. Биз парашютчилар мактаби очяпмиз.

Ерга урса кўкка сакрайдиган серғайрат қиз қалбида аллақандай нурли учқун пайдо бўлди. Бу аҳд деб аталмиш ички қарор ифодаси эди. Лекин бу ботин қарорни зоҳиран изҳор этиш катта ирода талаб қиларди. Ушбу қарор изҳори ўрнида чиройли шаҳло кўзларини хиёл юминқираб мийиғида кулиб қўйди.

Машқлар, тараддудлар бошланди...

— Биринчи парвоз қилган куним ҳаётимдаги энг бахтли, ҳаяжонли кун бўлганди, — дея эслайди Башорат.

Ҳа, Башорат ўша пайтда ҳақиқатан ҳам довруғ қозонди. Бу, унинг иккинчи энг завқли дақиқалари эди.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

Мамлакатимизда моддий-маънавий бойликларни яратишда, келажагимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказишда аёлларнинг ҳиссаси катта. Партия ва ҳукумат хотин-қизларимиз оналикни меҳнатда ва давлат ишларида фаол иштирок этиш билан қўшиб олиб боришлари учун тегишли шароит яратмоқда, унга қўшимча имтиёзлар бермоқда. «Совет Ўзбекистони» мухбири байрам арафасида республика социал таъминот министри Санобар Аҳроловна ХЎЖАЕВА билан учрашиб, шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди:

— Ижтимоий-фойдали меҳнат қилаётган аёлларга кўп йиллардан буён туғиш учун ва туққанидан сўнг берилаётган отпускага 100 фоиз миқдорида ҳақ тўланмоқда. Кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақа тўлана бошлаганига 45 йилдан ошди.

1944 йилдан бошлаб республикамизда 7 миллиондан ортиқ кўп болали аёл нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлди. Кўп болали аёлларга нафақа бериш йўлга қўйилгандан сўнг уларга топшириш учун орден ва медаллар таъсис этилди. 10 ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаганларга «Қаҳрамон она» юксак унвони берилиб, «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топшириладиган бўлди.

Республикамизда 3 миллион 7 мингдан ортиқ 5 ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган аёллар оналик шуҳрати ордени ва медаллари билан мукофотланганлар. 110 мингдан ортиқ она эса «Қаҳрамон она» юксак унвонига сазовор бўлган. Ҳозирги кунда 676,5 минг кўп болали аёл нафақа олмоқда.

1975 йилда кам таъминланган оилалар фарзандлари моддий аҳволини яхшилашга қаратилган тадбирлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўтган йил 1 декабргача кўп болали аёллар оиладаги фарзанди 8 ёшга етгунча бундай нафақа олиш ҳуқуқига эга эдилар. Ҳозир нафақа тўлаш муддати 8 ёшдан 12 ёшгача узайтирилди.

Пенсия олишда ҳам оналарга маълум имтиёзлар берилган. 5 ва ундан ортиқ бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган оналарга қарилик пенсияси 50 ёшдан белгиланади. Республикамизда 300 мингдан ортиқ она пенсия олишда ана шундай имтиёздан фойдаланмоқда. Бу имтиёз пенсия ҳақидаги янги Қонунда ҳам сақланиб қолади.

Пенсия тўғрисидаги Қонун лойиҳаси болаликдан ногиронларни 16 ёшгача тарбиялаш учун кетган вақтни ҳам меҳнат стажига киритишни кўзда тутмоқда.

Республика Компартиясининг сайловолди Ҳаракат дастурида ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилишни, ҳар бир бола соғлом ва уйғун ўсиши учун барча шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган. Ўйлаймизки, келажакда оналарга давлат томонидан бериладиган имтиёзлар янада кенгайтирилади. Бу эса хотин-қизларнинг ижтимоий ва моддий таъминотини яхшилашга ёрдам беради.

● Фориш ноҳияси, «Фориш» совхози меҳнат аҳли Малар Мўминованинг номини ҳурмат билан тилга олади. У илғор чўпон, «Қаҳрамон она» нишондори. Оилада 12 фарзанд бор. Суратда: «Қаҳрамон она» кичкинтойи Каримбек билан.

Сўзана жилоси

Тамара ЕДГОРОВА, Бухоро зардўзлик фабрикаси ишчиси.

Зардўзликни ўрганишга қунт билан киришдим. Фабрикада илк бор менга Моҳира опа Жўраева пешвоз чиққани ҳалиҳали эсимда. Исми-жисмига монанд бу аёл зардўзлик сирларини менга етказгунча озмунча машаққат чеккани йўқ.

Энди бўлса, ўзим ҳам мураббийман. Ёшлар жон-дилим. Ҳар сафар бир шогирдни санъат олами сирларига ошуфта қилганимда, бошим осмонга етади. Ёш боладек қувонаман. Ҳозир Хосият Шаропова, Матлуба Тошева сингари шогирдларим фабрикамизнинг маниаман деган зардўзлари.

15 йиллик меҳнат фаолиятим мобайнида шу касб ортидан саодатли бўлдим, обрўэътибор топдим. Эндиликда турмуш ўртоғим Абдуллажон билан уч фарзандни вояга етказмоқдамиз.

Мен хизмат қилаётган коллектив аҳли ҳамжиҳатлилиги, бир-бирига меҳрибонлиги туфайли ҳам илғор. Ўтган йили нафис маҳсулотнинг 20 та янги турини ишлаб чиқаришга жорий этдик. «Зулхумор», «Феруза», «Чор қубба» номи берилган ажойиб зар-дўппилар, «Сурайё», «Лола», «Анор» деб номланган бежирим оёқ кийимлари хотин-қизларимизнинг ҳусну-жамолини очмоқда. Турли-туман совға буюмлари чорси ва сўзаналаримизга ҳам талаб катта.

Айни кунларда коллективимизда меҳнат мароми баланд. Икки ойлик планни анча ортиғи билан адо этдик. Фабрика хотин-қизларининг кўпчилиги ўз анъанавий байрамлари 8 Мартни уч ойлик планни бажариш билан кутиб олишяпти.

Ҳозирги қайта қуриш даврида хотин-қизларимизнинг ҳам жамиятимизни маънавий, сиёсий-иқтисодий ривожлантиришда ўз ўринлари бор.

Саҳифадаги суратларни Н. МУҲАММАДЖОНОВ, В. МОЛГАЧЕВ, С. МАҲКАМОВ ва Ҳ. ҚУРБОНОВ тасвирга туширган. Сурат репродукцияларни М. НАЗАРОВ олган.

• ОПАЖОНЛАРИМИЗ

Саида ЗУННУНОВА

Умрим мезони

Ҳаётдан нолиса биров, суймайман,
Айниқса соғ бўлса қўли-оёғи.
Ҳаёт сийлар бизни қувонч, бахт билан,
Не ажаб бўлса гоҳ алами, доғи.

Курашсиз, меҳнатсиз шодлик, кулгуни
Ўғирлик мол дейман, қиламан ҳазар.
Қалбимнинг парчаси сингмаса агар
Розимасман биров ҳадя этса зар.

Ғамимни айтмасам, токи ўзганинг
Кўнглига бир он ҳам ғашлик солмасам.
Бахтимни дўстларга хушнуд ёйсаму,
Лекин уни ҳеч вақт йиғиб олмасам.

Ҳаёт тўлқинида бир хасдек ожиз,
Увол аталишга қилмасман тоқат,
Умримнинг бир они ўтмаса беиз.
Худди ана шундай яшасам фақат.

ҚЎШИҚ БЎЛГАН ҚИЗ

Гавҳар РАҲИМОВА, Ўзбекистон ССР халқ артисти

Бу қўшиқнинг қизиқ тарихи бор. Биз бир группа ўзбек санъаткорлари фронтга хизмат қилгани бораётиб, Москвада тўхтадик. Шунда бизга шаҳардаги шифохоналардан бирида «Зебо Ғаниева даволанаётгани»ни айтишди. Биз беихтиёр ҳаяжонга тушдик, «Ахир, Зебо бизнинг собиқ ансамблдошимиз-ку!». Уни қидириб бордик. Маълум бўлишича, кўнгилли бўлиб жангларда иштирок этаётган Зебохон Шимоли-Ғарбий фронт қисмларидан бирида ёнида снаряд портлаб, қаттиқ жароҳатланган экан.

Лекин барибир унга берган таскинимиздан кўнглимиз тўлмади. Ўша кўни Бобораҳим Мирзаев ва Фахриддин Содиқов билан маслаҳатлашиб, янги қўшиқ ёзишни мақсад қилдик. Шоир бўлмаса-да, ҳар томонлама талантли Бобораҳим ака шеърни қоралади. Фахриддин ака унга музика ёзди. Эртасига эрталаб Зебохон ҳузурига бориб қўшиқни куйлаб бердик. Жасур қиз завқланиб, кўзларига ёш олди...

Зебо Ғаниеванинг жасорати бизни илҳомлантирди. Ансамблимиз фронтнинг оловли нуқталарида ҳам хизмат қилди. Айниқса, «Сен қурол олдинг...» деб бошланадиган севимли қўшиғимизни ижро этганимизда ўзимиз ҳам янада қувватлашиб, олға босардик.

Ҳа, ҳозирда Москвада яшаётган шарқшунос олима Жанговар Қизил Байроқ ордени соҳибаси Зебохон Ғаниева жасорати ҳамиша, ҳар қачон ибрат.

АРДОҚ

• СИНГИЛЖОНЛАРИМИЗ

Бу Ватан

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

...Отам бўлсанг, руҳингга садоқатдан айтайин,
Болам бўлсанг, ёнар жон, ёнар ҳатдан айтайин,
Момом, онам айтганни мен бошқатдан айтайин,
Кўйлагим шамолидан баҳра олар Ватансан,
Майсасида сочимнинг ҳиди қолар Ватансан.
Кўраман, хаёл суриб мардлар кетган йўл билан,
Этик изин соғинган чечакли ўнг-сўл билан,
Жанг ҳанжарлари кесган йигирма миллион кўл билан,
Ғалаба байроғини кўтаришган Ватанни,
Ким разолатдан қуйса тенг қуйишган Ватанни.
Шундай ғалаба, барҳақ, ер билан кўк қўлласа,
Кеча-ю бугунги кун, виждон-у, ўқ қўлласа,
Ҳар улусин энг аввал чап кўкрак — чўғ қўлласа,
Суян, абад нурамас қоя бўлар бу Ватан
Авлодларни кўтарган тоя бўлар бу Ватан.
Бугун меннинг кўксимда гул унадиган куним,
Дийдорингга термулиб, жим, тинадиган куним,
Сутдан ҳалол юрт, Сенга сиғинадиган куним,
Бир четида қуёшдай онам ботган Ватан деб,
Бир четини қўриқлаб отам ётган Ватан деб.

ЭҲТИРОМ

Т. ЕШИМБЕТОВА, ҚҚАССР Олий Совети Президиумининг Раиси

8 Март — мамлакатимизда кенг нишонланадиган умумхалқ байрами. Бу кунни мўътабар онахонлар, опа-сингилларга, уларнинг оила тўғрисида, болалар тарбиясидаги меҳр-шафқати, садоқати ва мурувватига чуқур миннатдорчилик рамзи сифатида байрам қилиш анъанага айланган.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида давом этдётган қайта қуриш жамиятимизда хотин-қизларнинг тутган ўрнига ҳам қайта баҳо беришни талаб этмоқда. Хотин-қизларнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор бериш, уларнинг оилада ва турмушда ҳар куни дуч келаётган қийинчиликларга ва талаб-эҳтиёжларига сезгирлик билан муносабатда бўлишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Автоном республикада 56 мингдан зиёдроқ кўп болали она, 9 мингдан ортиқ Қаҳрамон она бор.

Ёш болали аёллар отпускаси муддатини кўпайтириш тўғрисида СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қабул қилган қарор республикамиздаги аёлларга берилган имтиёзларни янада кенгайтиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Лекин бу аёллар билан боғлиқ муаммолар ҳал бўлган, деган хулосага келишга асос бўлмайди. Ўлкамиздаги экологик муҳитнинг танглиги хотин-қизлар саломатлигига салбий таъсир этмоқда. Ҳомиладор аёллар камқонлик касаллигига дучор бўлмоқдалар. Болалар нозик ва носоғлом туғилмоқда. Натижада болалар ўлими содир бўлмоқда. Ана шуни ҳисобга олиб, Автоном республика ҳукумати Қорақалпоғистон АССР халқ таълими, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий аҳволни яхшилашга қаратилган қўшимча тадбирлар программасини ишлаб чиқди. Бунга мувофиқ камқонлик касаллигига дучор бўлган ҳомиладор аёлларга бепул овқат бериш ва витаминлар билан даволаш учун Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети 7 миллион 604 минг сўм пул ажратди.

Йилдан-йилга хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий ҳаётдаги роли ўсиб бормоқда. Қорақалпоғистондан сайланган СССР халқ депутатларининг 30 фоизи хотин-қизлардир. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига хотин-қизлардан 5 киши, Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлигига эса 37 киши, халқ депутатлари маҳаллий Советларига эса 1466 нафар хотин-қизлар сайланган. Шуманай районидаги «Правда» совхози бригада бошлиғи, СССР Олий Советининг аъзоси, СССР халқ депутати Шукур Абдимуротова, СССР халқ депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, колхоз раиси Ойим Камолова, Нукусдаги Киров номли ўрта мактаб ўқитувчиси, СССР халқ депутати Ойсулув Тожимуротова ва бошқа кўпгина хотин-қизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Биз оғир, мураккаб даврда яшамоқдамиз. Партиямиз ҳаётимиз барча соҳаларини қайта қуришни амалга оширмоқда. Иқтисодий ва сиёсий, миллатлараро муносабатлардаги мураккаб муаммолар юзага чиқмоқда. Айниқса, ҳозирги кунда чидам билан, ақл билан иш юритиш керак. Бу фазилатлар айниқса, аёлларга хос. Жамиятимизни қайта қуриш ишига шу боисдан ҳам аёлларни янада кўпроқ жалб этиш даркор.

Фасли баҳор... бир гўзал маъсум,
Чеҳраларда юлдуз табассум.

Шохларда гул чироқлар ёнди,
Дилларда пок ҳислар уйғонди.

Чаман каби гўзалдир ҳаёт,
Эл-юрт меҳри тилларда баёт

Завқ улашар ҳар гул, ҳар япроқ,
Таъзим сенга, эй, она тупроқ!

А. ТУРАЕВ олган сурат-лавҳалар.

«Совет Ўзбекистони»
«Наврўзнома»си

ТАРОНАЛАР

Бу қўшиқлар оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб, бизнинг кунларгача етиб келган. Аммо қўшиқларнинг қайси асрда яратилгани ва қанча авлодлар байрамига ҳамроҳ бўлгани бизга номаълум. Фақат шуни биламизки, ҳозирда бу қўшиқлар жумҳуриятимиздаги қатор фольклор-этнографик ансамбллар репертуарларида сақланиб қолган. Жумладан «Момогул» (Қашқадарё), «Бойсун» (Сурхондарё), «Гулёр» (Бўстонлиқ) ансамбллари иштирокчилари Наврўз қўшиқларини алоҳида завқ билан куйлайдилар. Шу қўшиқлар асосида саҳнавий томошалар ҳам намойиш этадилар. Наврўз қўшиқлари халқ мулки, уларни яна халқнинг ўзига қайтариш ҳар биримизнинг миллий ифтихоримиздир. Қуйида шу қўшиқлардан баъзиларини газетхонлар эътиборига ҳавола этяпмиз.

С. ИУЛДОШЕВА,
А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доценти.

СУМАЛАК

Сумалакжон, сумалак,
Мен сенга жоним ҳалак.
Сумалак қадим овқат,
Уни пишириб бериш
Анъанавий бир одат.

Буғдойни аввал олиб,
Тахтага яйратамиз.
Ҳафталаб сувни сепиб,
Баҳордай яшнатамиз.

Тайёр бўлган буғдойжон
Янчиб-янчиб эзилар.
Сувга сиқиб олиниб,
Дош қозонга солинар.

Яйраб-яйраб момолар
Қозонни ковлаб турар.
Ўсма тортган қиз-жувон
Шўх қўшиқ куйлаб турар.

Қора қошли қизалоқ
Йўлларингга мен муштоқ.
Сумалак бир баҳона
Мендан кетмагин йироқ.

Сумалаклар қўйибсиз,
Қиз-жувонни йиғибсиз.
Тўй ўчоққа ўт ёқиб
Дош қозонлар осибсиз.

Сумалаюжон, сумалак,
Мен сенга жоним ҳалак.
Сен пишиб чиққанингда
Тўйиб-тўйиб бир ялай.

Баҳорнинг элчисисан,
Таомин боғчисисан.
Мўл-кўллик даракчиси,
Сумалакжон, сумалак.

ҲАЛИНЧАК

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Ҳалинчакда келинчак.
Салтлигини соғинган
Келинчаклар куйинчак.
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Учавергин келинчак.
Кўзга сурма ярашар
Қўш чеккага қўш чечак.
Бойга чопон бичдингми,
Тушда айрон ичдингми!
Бойни қўйга жўнатиб
Ҳалинчакда учдингми!
Келинчак, ҳо, келинчак,
Уйқуни бузсин «нига»лар.
Эртаму кеч беланчак,
Олиб келсин янгалар.
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак
Ҳалинчакда келинчак.

ЖАРЧИЛАР ҚЎШИҒИ

Бор, ҳо,
Кел, ҳо.
Ҳамалим, ҳа
Йўл қайда!
Тезда чопиб кел!

Йўлни топиб кел!
Уйнагани кел!
Қувнагани кел!
Сайлга кел, ҳо-о-о!

БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан,
Ҳамма бир-бирига жигарсўз экан,
Олам ҳам баробар кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой бобо!
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой момо!
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой она!
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

Ҳой, боғбон бобо, ниҳолга берсин барака!
Ҳой, деҳқон бобо, далангга берсин барака!
Ҳой, чўпон бобо, қўрангга берсин барака!
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.

СУСТ ХОТИН

Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин!
Емғир ёғдир хўл бўлсин,
Еру жаҳон кўл бўлсин,
Майсалар қулоқ ёзсин,
Суту қатиқ мўл бўлсин!
Емғир ёғдир, кўк бўлсин,
Қурғоқчилик йўқ бўлсин!
Арпа — буғдой бош тортсин,
Қайвонилар ош тортсин!

Емғир ёғдир хўл бўлайлик,
Биз ҳам сенга жўр бўлайлик.
Кўкламда ўйнаб-кулиб,
Ҳам шўху, ҳам зўр бўлайлик.
Емғир ёғди, дўл бўлди,
Еру жаҳон кўл бўлди.
Шафтолилар барг ёзди,
Дунё тўла гул бўлди.
Суст хотин, сузма хотин!

ҲЕЙ, ЛОЛА

Лолачага ишим бор, ҳей, лола,
Киссамда кишмишим бор, ҳей, лола.
Кишмиш бўлса майлига, ҳей, лола!
Қиз болада ишим бор, ҳей, лола!
Том устида пиёла, ҳей, лола,
Ичи тўла гул лола, ҳей, лола.
Нари туринг бўз бола, ҳей, лола,
Уялади қиз бола, ҳей, лола.
Том устида нелар бор, ҳей лола,
Ўрдак билан ғозлар бор, ҳей, лола.
Ўрдак кетиб ғоз қолсин, ҳей, лола,
Душман кетиб, дўст қолсин, ҳей, лола.
Юғур-юғур мен турай, ҳей, лола,
Бошингни гулга ўрай, ҳей, лола.
Сенга келган балога, ҳей, лола,
Ўзим кўндаланг бўлай, ҳей лола!

• *Спорт*

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» марафонча югуриш ва юриш ТЕРМИЗ-90

БОДОМ ГУЛЛАГАН ЙЎЛЛАРДА

Кун илиб, баҳор нафаси уфура бошлади. Ёшлар қулай ва шинам спорт саройлари, кенг ва ёруғ заллардан табиат қўйнига ошиқмоқдалар. Мавсумга ҳозирлик кўраётган спортчилар чигилёзди машқларига зўр бермоқдалар. Шу кунларда жумҳуриятимизнинг жанубида жойлашган Сурхондарё вилоятида ҳам ўзига хос спорт байрамига ҳозирлик кўриляпти. Маълумки, Сурхон воҳасига кўклам эрта ташриф буюради. Бу ерларда бодом аллақачон қийғос гуллаган. Шафтоли новдалари куртак ёзгудек. Далаларда эса кўкламги ишлар авжида. Шундай ажиб табиат қўйнида анъанавий мусобақа — «Совет Ўзбекистони» ғазетаси соврини учун марафонча югуриш ва спортча юриш бўйича жумҳурият мусобақасига тараддуд кўриляпти. Мусобақа байроғи бу гал 12-марта ҳилпирайди.

Мусобақани Термиз шаҳрида ўтказишга қарор қилингани бежиз эмас. Боиси, воҳа спортчилари вилоят, жумҳурият ва мамлакат миқёсидаги беллашувларда қувончли натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили сурхондарёликлар спортнинг 20 дан ортиқ тури бўйича баҳсларда муваффақиятли иштирок этдилар. Термизликларнинг самбо бўйича учинчи, чавандозликда тўртинчи ўринларни олишлари мухлисларни мамнун этди. Воҳада беллашув усталари, баландликка ва узунликка сакраш ҳаддисини олган чемпионлар сафи кенгайиб бормоқда.

Сурхондарёда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш юзасидан ташкилий-тадбирий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Термиз шаҳрида фойдаланишга тахт қилиб қўйилган «Мерган» ўқув-спорт комплекси йирик иншоотлардан бири бўлиб қолади. Бу ерда бир йўла 2 минг йигит-қизнинг ўнлаб спорт тури бўйича машғулот ўтказиши учун имкон яратилган. Шунингдек, Шарқ табобати йўли билан даволаниш имконияти бор. Спорт иншооти таркибига кирадиган сув ҳовузидан 1400 га яқин киши баҳраманд бўлиши мумкин.

Минглаб мухлислар ғазета соврини учун йирик мусобақа Сурхондарё вилоятида ўтказилишидан мамнун эканликларини изҳор этмоқдалар. Термизликлар хайрли тадбирга жиддий ҳозирлик кўришмоқда. Ўтган дам олиш кунлари ўқувчилар ўрта ва олий ўқув юртларининг талабалари шаҳар кўчаларини тозалаш ва ободонлаштириш, дов-дарахтлар ўтказиш билан боғлиқ ҳашарда иштирок этдилар.

— Жумҳуриятимизнинг турли шаҳар ва вилоятларидан келувчи спортчиларни чорлашга шайланмоқдамиз, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт комитети раиси Х. Хуррамов. — Бу йилги баҳсларда жами 12 команда, 200 га яқин марафончининг қатнашиши кўзда тутилган. Бундан ташқари анъанага кўра, асосий мусобақа олдидан шаҳарлик ўқувчилар ва студентларнинг оммавий югуриши уюштирилади. Шунингдек, ўқув юртларининг етти командаси тузилган. Вилоят терма командаси ҳам машқларни тобига етказишга ҳаракат қилмоқда. Ўйлаймизки, соврин учун кураш муросасиз бўлади.

• *Беллашув арафасида*

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт комитетида мусобақа программаси тузилди. 17 март куни эрталаб мусобақа иштирокчилари шаҳарнинг марказий майдонига тўпланадилар. В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш маросими бўлади. Совриндорлик баҳсининг очилишига бағишланган йиғилишдан сўнг мусобақа байроғи кўтарилади. Марафонча югуриш ва спортча юриш баҳслари иштирокчиларнинг ёшларига мувофиқ турли босқичлардан иборат бўлиб, асосий масофа 42 километр 195 метрни ташкил этади. Спортчилар марказий майдондан марра сари интилишни бошлайдилар. Баҳс Дзержинский шоҳ кўчаси бўйлаб давом этади. Марра чизиғи шаҳар чеккасидаги маълум нуқтага бориб тақалади. Бунинг учун марафончилар жами масофанинг тенг ярмини босиб ўтишларига тўғри келади. Югурувчиларнинг эркин ҳаракат қилишлари учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз.

— Ҳозирча, — деб сўзини давом эттиради Холбой Хуррамович, — марафончилар югураётган кўчалар ёқасида мухлислардан иборат жонли деворни ташкил этиш ўзига хос муаммо бўлиб турибди. Бунинг ҳам йўлини топиш учун ҳали фурсат бор. Ўйлаймизки, яқин кунларда шаҳримизга келиб, барча имконият ва шарт-шароитларимизни мутахассис сифатида кўздан кечирадиган мусобақа бош ҳаками кўпгина масалаларда бир тўхтамга келишимизда ўз фикрини айтади.

— Ғолибларни тақдирлаш учун совринлар ҳам ажратилгандир?

— «Совет Ўзбекистони» ғазетаси совринидан ташқари вилоят ва шаҳар спорт комитетлари ҳам ўзига хос мукофотлар ажратишган. Командаларга турли эсдалик совғалари берилади. «Ленин байроғи» ва «Ленинское знамя» вилоят ғазеталари ҳам хайрли тадбирдан четда қолмай, марафончиларга мукофотлар ажратишса, ажаб эмас. Шаҳардаги йирик корхона ва ташкилотлар энг ёш ва энг моҳир спортчиларга совғалар беришмоқчи. Албатта, гап мукофотда эмас, муҳими баҳор барқ ураётган кезларда чигилёзди ҳаракатларда фаол қатнашиш, оммавийликни таъминлашдан иборат.

— Спортчи ва меҳмонларни жойлаштириш кабн юмушлар қандай бажарилади?

— «Шарқ» ва «Сурхон» меҳмонхоналари ёшлар ихтиёрида бўлади. Шунингдек, бир гуруҳ марафончилар Сурхон дарёси соҳили жойлашган «Дўстлик» меҳмонхонасидан фойдаланадилар. Пазандалар ҳам спорт байрами иштирокчиларига хизмат кўрсатиш тараддудида. Спортчиларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишларига ҳам эътибор қилинади. Алоҳида автобус уларга хизмат кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, ғазета соврини учун анъанавий мусобақа Термизда ҳам ҳар жиҳатдан кўтаринки руҳда, ташкилий-тадбирий мукаммал тарзда ўтишига ҳозирлик кўрилмоқда.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ*

Р. АҲМЕДОВ ва Х. СОДИҚОВ чизган расмлар.

Қалбда аланга

● Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март байрами ўзига хос нишонланди.

Бир пиёла чой дастурхони атрофига жамиятнинг хотин-қизлар секцияси аъзоларидан тортиб жумҳуриятимизнинг кўзга кўринган жамоатчи, меҳнатда илғор хотин-қизлари тўпландилар.

Бунда Мўғулистон Халқ Республикаси, Афғонистон, Куба, Ҳиндистон, Ливиянинг Тошкентдаги консулхоналари ходимларининг оилалари ҳам меҳмон бўлдилар.

Даврага йиғилганлар миллий ва ижтимоий келиб чиқишлари, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, Ер юзи аҳлини тотувлик ва ўзаро иззат-ҳурматда яшашга қалбда аланга ила даъват этдилар. Хотин-қизлар умумбашарий масалаларда ҳамма вақт якдил эканлар, уларнинг овозлари планетамиз бўйлаб янграб тураверади.

Суҳбат сўнгида Совет Ўзбекистони хотин-қизларига қарата қабул қилинган мурожаатномада ана шу фикр-туйғулар ўз ифодасини топди.

«ХОРАЗМ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ—70 ЁШДА

1920 йилнинг 8 мартида Хивада «Хоразм ҳақиқати» область газетасининг ўтмишдоши — «Инқилоб қуёши» газетасининг биринчи сони босмадан чиққан эди.

Огаҳий номли область театрида газетанинг биринчи сони чиққан куннинг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Қорақалпоғистон ҳамда республика областлари, Туркманистоннинг Тошовуз области журналистлари ва матбаачилари ўз ҳамкасбларини самимий табрикладилар.

Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари, халқ депутатлари область Советининг раиси Р. М. Худойберганова нутқ сўзлади. **(ЎзТАГ).**

Хроника

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Валерий Васильевич Сударенков бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Станислав Иванович Таргония Украина ССР Олий судининг аъзоси этиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Виктор Александрович Плотников бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 10 март куни чиқади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ХАРИД ИШЛАРИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

1990 ЙИЛГА АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кундузги: агрохимия, хусусий зоотехния, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси;
сиртқи: агрохимия, иқтисодий-математик услублар.

Аспирантурага қабул қилиш ҳақидаги ариза институт ректори номига ёзилиб, унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол, иш жойидан характеристика-кафолатнома, босилиб чиққан ишлари рўйхати ёки танлаган ихтисоси бўйича реферат, диплом нусхаси ва зачет ведомостидан кўчирма.

Аспирантурага кирувчилар марксизм-ленинизм, чет тилидан ва олий ўқув юртлари учун амалдаги программа ҳажмида махсус фандан конкурсли кириш имтиҳонларини топширадилар.

Ҳужжатлар 10 апрелгача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари — 12 апрелдан бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, Тошкент Қишлоқ Хўжалиги институтининг аспирантура бўлими.

Телефон 63-76-68.

НАМАНГАН ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Пойабзал модельери — 1 киши.
Пойабзал конструктори — 1 киши.
Пойабзал тайёрлаш бўйича технолог — 2 киши.
Ойлик маош — 150 сўм.
Бирлашма фабрикалари манзили:
Бош фабрика — Наманган шаҳри.
Тошбулоқ филиали — Наманган райони, Тошбулоқ қишлоғи.
Уйчи филиали — шаҳар типидаги Уйчи посёлкаси.
Косонсой филиали — Косонсой шаҳри.

Мутахассислар иш жойига етиб келишлари биланоқ уй-жой билан таъминланадилар.

Хоҳловчиларнинг қуйидаги манзилга мурожаат қилишларини сўраймиз: Наманган шаҳри, К. Симонов кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 6-13-70, 6-87-39.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

13, 14 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«ҚАЛДИРҒОЧ ҚАНОТИДА КЕЛГАН ОВОЗЛАР»

ҚУШИҚ ВА КУЛГИ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Одил КАРИМОВ, Ниёз УМАРОВ, Саломат ИБРОҲИМОВА ва Мирсаид ИСҲОҚОВлар

Сиз учун ўзларининг севги-муҳаббат, саховат, мурувват, гўзаллик ҳақидаги қўшиқларини бахшида этадилар.

Сизларнинг қалб тўрингиздан ўрин олган нодир сўз устаси, республика аскиячи ва қизиқчилар конкурсининг бир неча бор ғолиби, машҳур сўз устаси Муҳиддин ДАРВИШЕВ

ПРОГРАММАНИ интермедия ва тақлидлар билан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари ГУЛЧЕҲРА ВА ЛУТФУЛЛА САЪДУЛЛАЕВЛАР олиб борадилар.

КЕЧАДАН ТУШГАН МАБЛАҒ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИГА ЎТКАЗИЛАДИ.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Узбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

12 март соат 19.30 да

«ХОРАЗМ КУЙЛАГАЙ»

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ОЛМАХОН ҲАЙИТОВАНИНГ
35 йиллик ижодий фаолиятига бағишланган

ИЖОДИ КЕЧАСИ

Программада Хоразм халқ ҳофизлари ва хонандалари, «Лазги» вокал-хореографик ансамбли, Хоразм филармониясининг солистлари иштирок этадилар.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилади.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да **Концерт**, 9/III да **Спартак**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/III да **Тақдир эшиги**, 9/III да **А. Қодирийнинг Ўтган кунлари**, 10/III да **Юлдузли тунлар**, 11/III да **Зебунисо**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/III да **Табассум оқшоми**, 9/III да **Муҳаббат навоси**, 10/III да **Концерт**, 12/III да **Хотинимнинг эри**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/III да **Отасининг қизи** (12, 16, 19.00), 9/III да **Майсаранинг иши, Драма актерлари куйлайди, Фармонбиби аразлади** (17.00, билетлар сотилган), 10/III да **Майсаранинг иши, Драма актёрлари куйлайди, Фармонбиби аразлади** (17.00, билетлар сотилган), 10/III да **Гўзаллар ва миршаблар** (12, 19.00, билетлар сотилган).

Узбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1946 йилдан КПСС аъзоси

Исмоил ФОЗИЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Республика пахта уруғи станцияси жамоаси станция директори У. М. Мўйдиновга онаси

Турсуной ИСМАДИЕРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узагропромстройтепли ца» трести жамоаси трестнинг 458-областлараро кўчма механизация колоннаси бошлиғи А. К. Хўжаевга акаси

Абдумўмин Каримович ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р 01153. № 57. ИНДЕКС 64583 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12